



## АЗИМОВ ТУРКИЯГА САРМОЯ ИСТАБ КЕЛДИ, ТУРК ШИРКАТЛАРИ ЭСА ЎЗБЕКИСТОНГА ПУЛ КИРИТИШГА ОШИҚМАЯПТИ

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов бошчилигидаги расмий делегация Анкара расмийлари ва тадбиркорлари билан учрашувларни давом эттирмоқда. Ушбу музокаралардан бевосита хабардор шахсининг "Озодлик" радиосига айтишича, Мирзиёевнинг катта сармоя ва кредит билан қайтиш топшириғини бажаришга келган Азимов делегацияси ҳозирча конкрет натижага эриша олмаган.

### **“Мақсад - инвестиция, инвестиция ва яна инвестиция”**

“Сафар яхши давом этаяпти. Кеча президент Эрдоғон билан учрашув жуда чиройли ўтди. Ўзбек-турк муносабатлари қайта тикланыпти, дейиш мумкин”, дейди Истанбулдаги музокараларга алоқадор ўзбек мулозими.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон делегацияси Туркияга бешта конкрет йўналишда сармоя жалб қилиш режасида натижа истаб келган.

“Биринчиси, Туркиядаги йирик фармацевтика ширкатлари билан қўшма корхоналар тузиш таклифи. “Дори-дармон” раҳбари шу мақсадда делегацияга кирган.

Қолган йўналишлар, тери-галантерея, химия ва аникроғи, маиший химия, шунингдек, тўқимачилик соҳасидаги йирик турк ширкатлари инвестициясини Ўзбекистонга жалб қилиш таклифи билан келишган. Мирзиёев ҳар кун тунги соат 11 да вазир ва элчилар билан селектор қилиб, бугун қанча сармоя топдинг, ким келаяпти, деб каттиқ сўроқ-жавоб қилаяпти. Шунга Азимов нима қилиб бўлса ҳам туркларни сармоя киритишга кўндиришга уринмоқда”, деди Озодлик билан суҳбатда музокаралардан яхши хабардор мулозим.

27 февраль куни турк тадбиркорлари ассоциациясида Ўзбекистон ҳукуматининг инвестицион дастури тақдим қилинган ва Тошкент делегацияси мамлакатда хориж сармояси учун муҳитнинг яхшилангани, хусусан, бир қатор янги эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилаётганини батафсил тушунтирган.

### **“Каримовдан қолган муз тоғлари ҳали эримаган”**

Турк расмийлари ва ишбилармонлари билан сўзлашувлар илиқ ўтаётганига қарамай, ҳозирча на Анкара

ҳукумати ва на турк ширкатлари Ўзбекистонга кредит бериш ёки сармоя киритиш сўровига аниқ жавоб берган.

Ўзбекистон расмийлари, турк сармоядорлари учун ҳеч қанақа муаммо бўлмаслиги, виза, конвертация ҳақлари кафолатланиши, эркин иқтисодий ҳудудларда бож ва солиқ имтиёзлари берилажагини қайта-қайта таъкидлашига қарамай, ҳозирча Азимов Тошкентга қуруқ қўл билан қайтадиган кўринади, дейди манбалар.

“Олдинги президентдан қолган жуда кучли стереотиплар бор.

Турклар бу гаплардан кейин Ўзбекистонга югуриб кетаётгани йўқ. Бунга ҳали анча вақт - анча меҳмонга боришлар, ош еб, зиёрат қилишлар керак бўлади. Йирик турк ширкатларидан сармоя сўраб ҳар ҳафта қайсидир мамлакатдан делегация келади. У ёғи Африка, бу ёғи Сурия ва бошқа араб давлатлари, болқондагилар, ҳаммаси бер-бер деб келади. Битта фарқимиз, булар Марказий Осиё, Ўзбекистонни ота юртим деб билади ва шунга биров қизиқиши бор, холос”, дейди "Озодлик" радиоси билан суҳбатлашган ўзбек делегациясига яқин мулозим.

### **Турк сармоядори нега Ўзбекистонга қайтишга шошилмаяпти?**

2003 йилда Ўзбекистонда фаолият бошлаган Güneş Tekstil ширкати 2011 йилда оғир иқтисодий жиноятларда айбланиши ортидан, 60 миллион долларлик сармоясини ташлаб, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган турк ширкатиدير.

Тошкентда Turkuaz супермаркетлар тизими очган бу ширкат 2013 йилдан бери Ўзбекистон ҳукумати устидан қатор халқаро арбитраж маҳкамасига

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

арз қилган ва жорий йил охирига қадар бу маҳкамаларнинг қарор чиқаришини кутмоқда.

Güneş Tekstil соҳиби Воҳид Гунеш, 27 февраль кунги турк-ўзбек инвестицион форумига таклиф қилингани, аммо унга бормаганини айта туриб, Азимов сафаридан сўнг турк сармоясининг Ўзбекистонга қайтишига ишончсизлик билдирди:

- Бу гапни қайта-қайта айтишим мумкин – турк сармояси Ўзбекистонга яқин орада бормайди. Уларнинг ҳаммаси Каримовга ишониб Ўзбекистонга пул ётқизганларнинг ҳоли нима бўлганини яхши билади. Бугун Азимов келиб, ҳамма айбни марҳум Каримовга тўнкаб, буёғи зўр бўлади, деб ваъда беравериши мумкин, аммо унга ҳеч ким ишонмайди. Ишонч қайта тикланиши учун, Каримовдан қолган сиёсат, бизнес, иқтисод тизими ўзгариши керак. Бунақа

ўзгариш эса, ҳозирча кўринмаяпти, деди "Озодлик" радиоси билан 28 февраль кунги суҳбатда Гунеш.

**Турк сармоясининг****Ўзбекистондаги шонсиз тарихи**

1991 йилда Ўзбекистон давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган Туркия ҳукумати бўлса, бу мамлакатга биринчилардан бўлиб сармоя олиб кирганлар ҳам айнан турк ширкатлари бўлган эди.

Туркиядаги энг йирик бизнес гурҳларидан саналган Қош Holding 1996 йил ноябрида Ўзбекистон ҳукумати билан қўшма корхона тузиш келишувини имзолаб, Самарқандда автобус ва юк машинаси ишлаб чиқарувчи SamKochAvto заводи куришни бошлаган эди.

1999 йил 19 март куни 100 миллион долларлик турк сармоясига курилган бу завод очилишида Туркия Бош вазири Сулаймон Демирал ва ўшандаги президент Ислоҳ Каримов

қатнашган ва ҳар иккала раҳбар ўз маърузасида Ўзбекистонда 300 дан ошиқ ўзбек-турк қўшма корхонаси ишлаётгани, 20 дан ошиқ йирик турк ширкати сармоя киритганини тилга олган эди.

Аммо 2006 йил октябрига келиб, жамоатчиликка очиқланмаган сабабларга кўра, "Ўзавтосаноат" Қош Holding хиссасини ўзига олиб, заводни "СамАвто" деб қайта номлаган ва уни бошқа хориж инвесторлари (япон, корейс, немис) савдосига қўйган эди.

Ўзбекистонга сармоя киритган бошқа турк ширкатларининг гуллаган даври ҳам Қош Holdingникидан узоққа чўзилмади – Тошкент-Анқара сиёсий муносабатлари совуқлашган сайин, Ўзбекистонга кирган аксар турк ширкатлари ҳам бирин-кетин турли жиноий айбловлар билан ёпилиб, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

Қирғизистон "Ата-Мекен" парламент фракциясининг лидери Ўмурбек Текебаев 26 февралга ўтар тунда Австрияга хизмат сафаридан қайтганида Бишкек халқаро аэропортида қўлга олинди. Қирғизистон бош прокуратураси бир кун олдин Ўмурбек Текебаевга қарши жиноят иши кўзғатилганини маълум қилганди. Сиёсатчи коррупция ва фирибгарликда айбланмоқда. Ушбу хабарнинг рус тилидаги матни чоп этилган пайтда унинг қамалганига икки соатдан ошган, бироқ адвокатлар Текебаевнинг олдига қўйилмаган эди.

Ўмурбек Текебаевни жавобгарликка тортиш бўйича ёзма ариза билан Россиянинг қатор телекоммуникация компанияларининг эгаси Леонид Маевский мурожаат қилган. Унинг иддаосига кўра, Текебаев 2010 йилда Қирғизистон муваққат ҳукумати раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган пайтда унда бир миллион доллар олиб, бизнесда имтиёзлар яратиб беришга ваъда қилган. Бош прокуратура таъкидлашча, кейинчалик Текебаев Маевскийга "откат" эвазига уяли алоқа операторини сотишга ваъда қилган, бироқ ваъдасида турмай, олинган пулларни қайтаришдан бош тортган.

Ўмурбек Текебаевнинг ўзи маҳаллий журналистларга бу ишларнинг ҳаммаси сиёсий

интиқом деб атади. У "24.kg" ахборот агентлигига ҳеч қачон ҳеч кимдан бир миллион доллар сўрамаганман ва олмаганман, деб билдирди. Унга кўра, олдинроқ Қирғизистон президенти 2016 йил конституциявий ислохотларга қарши чиққанларни кўп маротаба "халқ душманлари" деб атаган. Энди бўлса Алмазбек Атамбаев бу ислохотга қарши чиққанларнинг ҳаммасини даф қилишга уринмоқда.

**Қирғизистон мухолифати етакчиси  
Ўмурбек Текебаев коррупция ва  
фирибгарликда айбланиб ҳибсга  
олинди**

"Леонид Маевский билан танишмисиз?" деган саволга Ўмурбек Текебаев "Қирғизистонга ўша пайтда жуда кўп одамлар келишган, жуда кўпчилик муваққат ҳукумат билан учрашган. Эҳтимол бу одам ҳам менинг олдимга кирган бўлиши мумкин. Эсимда йўқ. Бироқ мен ундан ва бошқа одамлардан ҳеч қанақа миллионларни сўрамаганман", - дея қайд этиб ўтган "Ата-Мекен" раҳбари.

Биз Текебаевнинг собиқ сафдоши, муваққат ҳукуматнинг аъзоси бўлган Эдил Байсаловдан вазиятни шарҳлаб беришни сўрадик. "Қирғизистондаги вазият назоратдан ташқарига чиқиб

кетиши мумкин. Атамбаевнинг билан Текебаев ўртасидаги можаро авжига чиқиб кетди. Ростини айтсам, бу икки эски инқилобий ўртоқ ўртасидаги жанжал халқимизни кизиқтирмайди. Қирғизистонликлар кузда ўтадиган сайловлар натижасида ҳокимият тинч йўл билан навбатдаги қўлга ўтишини истайдилар ва шуни талаб қилмоқдалар. Энди бўлса, Путиннинг ташрифи арафасида Атамбаевнинг маслаҳатчилари

шунақанги ифлос ишни уюштирдилар. Текебаевнинг гуноҳлардан пок деган фикрлардан йироқман, агар унинг айби тасдиқланса, унга қарши энг қаттиқ жазо берилишини талаб қиламиз бироқ, ҳозирги фурсатда биз президент Атамбаевга мурожаат қилиб ақл билан иш тутишни ҳамда вазиятни издан чиқишига йўл қўймасликка чақирамиз. Атамбаевнинг асосий вазифаси – президентлик сайловларини ўтказиш! Текебаевни уй қамоғига ўтказиб қўйишлари керак!" – деди сиёсатчи Эдил Байсалов "Фарғона" ахборот агентлигига.

**Манба: "Фарғона" АА**

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол Тошкент Халқаро аэропортига Каримов номини бериш ҳақидаги президент қарорига эътироз билдириб Мирзиёевга мактуб ёзди.

«Менинг назаримда, Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарор бироз шошилишч қабул қилинганга ўхшайди», дея фикр билдиради 77 ёшли адиб ўз мактубида.

Президент Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарорини 25 январ куни имзолаганди.

### Кўплик қилмасмикан?

Қарор, Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобил заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройига, Тошкент халқаро аэропортига, Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тақлифлари асосида) Ислом Каримов номини беришни кўзлаган.

Жамол Камолнинг президентга ёзган хатига кўра, «марҳумнинг фаолияти ҳолис сарҳисоб этилиб, оқи оққа, қораси қорага ажратилмаган».

Унинг фикрича, Мирзиёев эътироф этганидек, «адолатли демократик жамиятнинг атиги пойдеворини қура олган» шахс учун «Музейлар, боғлар, олий ўқув юртлири, кўчалар, ҳайкаллар, жамғармалар...» жуда кўплик қилади.

«Шунчалар саҳоват кўрсатиш жоизмикан. Бунинг устига, Тошкент халқаро аэропортининг айна шу ном



## Жамол Камол: «Каримов номи аэропортга қўйилмасин»

ила аталиши, тўғриси айтганда тасаввурга сиғмайди», дея писанда қилади адиб сал истиҳола билан мамлакат президенти номига ёзган мактубида.

### «Абадийлаштириш»

#### аллақачон бошлаб юборилган

Қарорда, шунингдек ўтган йилиёқ Каримов хотирасини абадийлаштириш йўлида анча ишлар қилиб қўйилгани қайд этилади.

2016 йил октябр ойида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилган.

Тошкент шаҳар, Янгиобод тумани «Фарғона йўли» кўчасида жойлашган жоме масжидига «Ислом ота жоме масжиди» дем ном берилган.

2016 йилнинг 2 декабрида эса «Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилинган.

Шунингдек қарорга кўра, ҳар йили, Каримов туғилган сана 30

январ кунини кенг нишонлаш, «2 сентябр кунини хотира куни сифатида ёд этиш», ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритилиши лозим.

### Эътирозга ўрин йўқми?

Кекса адибнинг фикрича, бундай қарор халқ муҳокамасига қўйилиши, керак бўлса референдум орқали ҳал қилиниши керак.

Бугунги Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида «не-не давлатлар, салтанатлар қурилгани» ҳақида ёзаркан, шу ўринда, «мамлакатнинг асосий дарвозаси» саналган Халқаро аэропортга муносиб, тарихий шахслар сифатида Алишер Навоий ва Соҳибқирон Амир Темур номларини келтиргани.

«Боболар таъбири билан айтганда, етти ўлчаб бир кесилса, айна муддао бўлар эди», дейди у.

Ислом Каримов 27 йил давомида Ўзбекистонни шафқатсизлик билан бошқарди.

У ҳокимиятда экан, Ўзбекистон дунёнинг энг авторитар давлатларидан бирига айланди.

Очиқ муҳокамалар бўлмаган, танқид учун жазо қўлланиладиган Каримов даврига ҳос ўзбек жамиятида ҳукумат қарорлари ортиқча бир шошқалоқлик билан ижро этиб келинади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси раиси бўлган, Жамол Камол 1938 йили Бухорода туғилган. Ўнлаб шеърӣ тўпламлар муаллифи. Франсуз шоири Буало ва Шекспир асарларини ўзбек тилига ўғирган ва қатор мукофотлар соҳибидир.

Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

## "Ата Мекен": Бишкек яқинида қулаган самолётдаги юк Атамбаевга тегишли бўлган

"Озодлик" радиосининг хабар беришича. Қирғизистондаги парламентидаги «Ата Мекен» фракцияси раҳбари Ўмурбек Текебаевнинг қўлга олиниши Кипрдан топилган маълумотлар билан боғлиқ. Бу ҳақда "Ата Мекен" партияси юристи Таалайгул Токтакунова Бишкекда бўлган матбуот анжуманида баёнот берди.

Унинг сўзларига караганда, Кипрга қилган сафари чоғида Текебаев Бишкек яқинида кулаб тушган «Боинг-747» юк самолётига дахлдор муҳим ҳужжатларни қўлга киритган. Унинг айтишича, Текебаев бу маълумотларни эълон қилишга улгурмаган. «Ата

Мекен»нинг ҳуқуқшуносига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу ҳужжатларни Текебаевдан биринчи бўлиб олиш учун уни аэропортда қўлга олишган. Унга ҳатто адвокатни ҳам яқинлаштиришмаган. Ҳужжатларда Туркиянинг "Ўта махфӣй" деган махсус ёзуви бўлган.

Токтакунованинг хабар қилишича, ҳужжатларда 16 январь эрталаб кулаб тушган самолётдаги юк Алмазбек Атамбоев ва унинг турмуш ўртоғига тегишли эканлиги айтилади. У ерда электроника, қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган.

Унинг айтишича, бу ҳужжатлар

фақат депутатлар комиссиясига тақдим этилади. Ҳуқуқшуносларга кўра, Текебаев Кипр ва Венага қилган сафари мобайнида кулаб тушган «Боинг-747» самолётидаги юк ҳақида маълумотларни олган.

Қирғизистон президенти маъмурияти ахборот-сиёсат бўлими мудири Алмаз Усонов "Ата Мекен" партияси юристининг баёнотини ғирт ёлғон, деб баҳолади. Бу ҳақда Азаттик радиоси хабар қилди.

Эслатиб ўтамиз, 13 февраль куни Текебаев президент Алмазбек Атамбоевнинг Кипр соҳилларидаги мулки ҳақида маълумот топганлигини айтган эди. Сиёсатчи яқин кунларда жамоатчиликка батафсил маълумотларни тақдим этишини айтган. Шу куннинг ўзидаёқ Атамбоев Бош прокуратурага

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Текебаев томонидан айтилган маълумотларни текшириш ва чора кўриш учун буйруқ берган.

Ўмурбек Текебаев 27 февраль куни Первомайский туман суди қарори билан ДМХҚ изоляторига икки ойга қамалган. У россиялик тадбиркор Леонид Маевский аризасига биноан қўлга олинган.

Маевский ўз аризасида 2010 йили Текебаевга "Мегаком" компаниясининг акцияларини сотиб олишда ёрдам бериши учун бир миллион доллар берганлигини ёзган.

Текебаев 26 феврал тонгида Истанбулдан учиб келган чоғда "Манас" аэропортида қўлга олинди, 48 соатга хибсга олинган эди.

1 март куни Қирғизистон

парламентида Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси (ДМХҚ) раҳбари Абдил Сегизбаев ва бош прокурор Индира Жолдубаеваларнинг «Ата Мекен» фракцияси раҳбари Ўмурбек Текебаев иши билан боғлиқ ҳолат юзасидан маълумотларини тингланди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Ўзбекистоннинг барча туманларидаги касб-хунар коллежларида ўқувчилар давомати бўйича февралда бошланиб, шу кунгача давом этаётган рейдлар натижаларига кўра, юздан зиёд ота-она маъмурий жавобгарликка тортилди, ўнлаб ўқитувчилар ва коллеж директорларига хайфсан берилди. Ўзбекистон Халқ



тумани ва Хоразм вилояти Шовот туманидаги коллежлардаги даволат рақамларини келтирди.

**Тикувчилар тайёрлайдиган коллежда тикув машинаси йўқ**

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасидаги исми айтилишини истамаган мулозим масаланинг бошқа тарафига эътибор қаратди:

“Ўқиш учун шароитнинг

## Ўзбекистон Халқ таълими ўлим тўшагида, буни ҳукумат ҳам билар экан

таълими вазирлиги Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси етакчи мутахассисининг айтишича, коллежларда ўтказилган рейдларда даволатнинг ўта пастлиги юзага чиққан.

**"Ўлик жонлар" маскани**

“Коллежларда журналда исми қайд этилган болалар аслида Россия ва Қозоғистонга ота-оналари билан кетишган” деган мулозимнинг таъкидича, республика бўйлаб коллежлардаги “ўлик жонларни” фош қилиш жараёни бормоқда.

Мулозимга кўра, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўқувчилар деярли келмайдиган коллежлар аниқланган.

**Бир туманда 24 ота-она жазоланди**

Сурхондарё вилояти прокуратураси профилактика бўлими ходимининг айтишича, Жарқўрғон ва Қизириқдаги касб хунар-коллежларида даволат пастлиги бўйича рейд ўтказилиб айбдорлар жазоланган:

- Қизириқ туманидаги 9 та коллеждан 2 тасининг мудир ўринбосарига хайфсан эълон қилинди. Шунингдек, Қизириқ

қишлоқ хўжалик коллежи ўқитувчилари Бобожонов Эгамберди, Фармонов Фахриддин, Чориев Эштемирларга даволат ёмонлигини учун интизомий чора кўрилди. Коллежларга умуман келмаётган 24 нафар ўқувчининг ота-онаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси бўйича жаримага тортилди, деди суҳбатдош.

Унга кўра, айни чоралар бошқа туманларда, хусусан Жарқўрғон туманидаги боласини коллеждан олиб қолган ота-оналарга нисбатан қўлланган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мулозимининг айтишича, Қашқадарёнинг Китоб туманидаги коллежга боласини юбормаган ота-оналар ва даволатни таъминламаган ўқитувчилар жазоланган.

“Китоб коммунал хўжалик касб-хунар коллежидаги 181 нафар ўқувчидан 99 нафари дарсга келмагани юзасидан чоралар кўрилди”, деди мулозим.

Унга кўра, бошқа вилоятлардаги коллежларда ҳам аҳвол бундан дуруст эмас ва ўқувчиларнинг ярми ҳам коллежларга келмаяпти. Мулозим бу гапига мисол қилиб Самарқанд вилояти Қўшробод

йўқлиги масаласи ҳам борда, ахир! Масалан, Шовот енгил саноат касб-хунар коллежида тикувчилик ўргатилади. Лекин бирорта ишлаб турган тикув машинаси йўқ. 300 яқин ўқувчи учун ўн та бузуқ тикув машинаси бор. Чироқ йўқ, газ йўқ, ота-оналар киши билан боласини юбормади шамоллаб қолмасин деб. Бу тарафини ҳам ўйлаш керак, коллеж турма эмаску бола қамайдиган?! дейди мулозим.

**Касаба уюшма ҳавотирда**

Мамлакат ҳаётини ёритувчи мустақил ва маҳаллий нашрлар ҳам даволат масаласини ёритди.

Ўзбекистон коллежларидаги даволат даҳшати ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси сайти ўтган ой охирида мақола нашр қилди.

Мақола жорий йилнинг февралда республика вилоятларида ўтказилган рейд ҳисоботидан ташкил топган. Касаба уюшмалари сайтидаги мақолада таъкидланишича, коллежларда исми қайд этилган ўқувчиларнинг Россия ва Қозоғистонга, шунингдек, Тошкент шаҳрига пул топиш мақсадида кетгани юзасидан ҳавотир билдирилади.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон Истанбулдаги "Бейлербейи" саройида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимовни қабул қилган.

Туркиянинг давлат "Анадолу" агентлигининг хабар беришича, бир соатга яқин давом этган учрашувга журналистлар қўйилмаган.

Аввалроқ Истанбулдаги Туркия-Ўзбекистон Бизнес Форумида иштирок этган Рустам Азимов туркиялик ишбилармонларни Ўзбекистонга сармоя киритишга чақирган.

У Ўзбекистон Туркия билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини айтган.

"Туркия билан савдо-иқтисодий алоқаларда янги довлонларни забт этишга тайёрмиз", - деган Азимов Форумдаги чиқишида.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Туркия билан нефт ва кимё саноати, олтин, кумуш, уран қазиб олиш, шунингдек, қурилиш, тўқимачилик, мева-сабзавот ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиши мумкин.

Ўтган йил ноябрида Президент Эрдуғоннинг Самарқандга ташрифи чоғида икки томон ўзаро алоқаларда янги саҳифа очишга тайёр эканликларини айтишганди.

Истанбулдаги форум икки давлат ўртасида охириги 10 йилдаги иқтисодий ҳамкорликка доир илк йирик анжуман бўлган.

### **'Иқтисод сиёсатдан устун'**

Мархум президент Ислон Каримовдавида Тошкент ва Анқара ўртасидаги сиёсий муаммолар иқтисодий муҳитни захарлаган ва сиёсий келишмовчиликларнинг янада чуқурлашмаслиги учун икки томон ҳам турк сармояларини қурбон келтирганди.

Эндиликда ҳар икки томон турк сармоядорларини ишонтиришга бел боғлаган кўринади.

Президент Эрдуғоннинг Самарқандга ташрифи чоғида Мирзиёев муҳожиротдаги ўзбек мухолифати раҳбари Муҳаммад Солиҳни чиқариб юборишни талаб қилгани айтилганди.

Аммо Туркия ҳукуматидаги манбаълар Би-би-сига бу хабарларни тасдиқламади.

Афтидан, Тошкент икки ўртадаги муносабатлар алоҳида шахслардан кўра каттароқ эканини англаб етган кўринади.

Форумда Рустам Азимов Ўзбекистон ҳукумати икки



## **ЭРДУҒОН РУСТАМ АЗИМОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

томонлама алоқаларга прагматик ёндошувни танлаётгани борасида мужда беришга уринган.

"Иқтисод сиёсатдан устун" деган у мархум Ислон Каримовнинг машҳур беш тамойилидан иқтибос келтираркан.

У "ҳуқуқнинг устунлиги" тамойилини ҳам тилга олган.

Азимовнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон бундан буён ҳам иқтисодда давлатнинг "бош ислохотчилик" ролини сақлаб қолади.

Унинг айтишича, Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодга аралашуви ўзини оқлаган.

"Халқаро Молия Жамғармаси бизга "бозор ҳамма нарсанитартибга солади", деди. Аммо биз бунга ишонмадик. Биз давлат ислохотчи бўлиши кераклигини урғуладик. Эришган натижаларимиз ҳам бунинг тўғри эканини кўрсатди", - дея Азимовнинг сўзларидан иқтибос келтирган Туркиянинг Timeturk нашри.

Азимов охириги 11 йилда Ўзбекистон иқтисоди 8 фоизлик ўсиш кўрсатганини айтиб, ҳукуматнинг пул-валюта сиёсатини ҳимоя қилган.

### **"Туркларни соғиндик"**

Икки давлат ўртасида охириги 10 йилдаги илк бизнес форумга ўзбек томони бир неча вазир ва йирик давлат ширкатлари раҳбарларидан иборат нуфузли ҳайъатни йўллаган.

Форумда ҳар икки томон ўтмишда туркиялик ишбилармонлар Ўзбекистонда юз тутган муаммоларни четлаб ўтган.

Аммо Ўзбекистон Бош

вазирининг ўринбосари Рустам Азимов турк сармоядорлари Ўзбекистонни тарк этганини билвосита эътироф этган.

"Туркларни соғиндик", - деб айтган Азимов.

У турк ишбилармонларини "салоҳиятли, ташаббускор ва муваффақиятли инсонлар эканликларини" таъкидлаган.

"Сизлар билан олдинга қадам қўйишга тайёрмиз", - деган ўзбек ҳукумат ҳайъатининг раҳбари.

Форумда қатнашган Туркия иқтисодиёт вазири Ниҳот Зейбекчи икки давлат аҳолисининг умумий сони 110 миллионни ташкил этишини урғулаб, ўртадаги 1,2 миллиардлик товар ойирбошлаш ҳажмини яқин келажакда икки баробарга орттириш режалари борлигини айтган.

Аммо унинг сўзларига кўра, бунинг учун Ўзбекистон билан эркин савдога доир келишувлар имзоланиши лозим.

Турк ширкатлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарган маҳсулотини Туркия ва Туркия орқали бутун дунёга ҳеч қандай тўсиқсиз, бож тўловлари ва чеклашларсиз сота олишларини билсалар, Туркиянинг Ўзбекистондаги сармоялари ҳажми жуда катта миқдорларда ўсади", - деб айтган Туркия иқтисодиёт вазири.

У Ўзбекистон ва Туркия ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги битимни имзолашларин айтган.

Зейбекчи Ўзбекистон билан аллақачон имзоланган, аммо ҳаётга

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

тадбиқ этилмаган келишувлар борлигини ҳам эслатган.

Унга кўра, 2017 йилда икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий ва техник асослари бутунлай қайтадан кўриб чиқилади.

Вазирнинг айтишича, Туркия Ўзбекистон билан "ҳеч ким ютқизмайдиган" бизнес моделини амалга тадбиқ қилмоқчи.

"Ўзаро манфаатга асосланган муносабатлар давом этадиган муносабатлардир", - деган турк мулозими.

**'Ҳеч нарса ўзгармади'**

Истанбулнинг Босфор бўғози бўйидаги Hilton меҳмонхонасидан атиги бир неча чақирим масофада "Гунеш Текстил" ширкатининг идораси жойлашган.

Ширкат раҳбари Воҳид Гунеш 2011 йилда Тошкентдаги ўзи асос солган "Туркуаз" савдо маркази ва у билан бирга бир неча ўн миллион доллар сармоясини ташлаб, Ўзбекистондан қочишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон маҳкамаси Гунеш кўрган зарарни 30 миллион АҚШ

доллари экани ҳақида ажрим чиқарган.

Аммо ишбилармоннинг ўзи зарар бундан ўн баробар кўплигини айтади.

Унинг Ўзбекистон ҳукуматига қарши даъвосини кўриб чиқаётган халқаро маҳкама шу йил охирида ажрим чиқариши керак.

Гунешнинг айтишича, Ўзбекистонда ҳокимият ўзгаргани билан амалда ҳеч нарса ўзгармади.

У ҳукуматнинг сармоялар билан боғлиқ амалий қадамлар кўйишини истайди.

"Аввал ҳам шундай ваъдалар берилган, лекин охири ёмон бўлди. Амалда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Бугунги форумда қатнашган вазирларнинг кўпчилигини таниймиз. Ўша-ўша одамлар. Янги ҳеч нарса йўқ. Божхона тартиби дейсизми, конвертациями... Президент чекловларни олиб ташладим деяпти, аммо биз буни кўрмаймиз", - дейди Воҳид Гунеш.

Унинг айтишича, турк ишбилармонлари бугунги форумда айтилган "сўзларга учиб, Тошкентга боришмайди".

"Ҳаммамиз Ўзбекистоннинг ривожланишини истаймиз. Ҳаммамизда яхши ният бор. Аммо

сармоялар учун яхши ниятнинг ўзи етарли эмас. Демократик ўзгаришлар бўлиши, конун устуворлиги таъминланиши керак. Бу ўзгаришларсиз олдинга кетиб бўлмайди", - дейди туркиялик ишбилармон.

Турк расмийларига кўра, Форум ниҳоясида 10 та соҳада ҳамкорликка доир келишувлар имзоланган.

Таҳлилчиларга кўра, Президент Шавкат Мирзиёев ўзи эълон қилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун йирик хорижий сармояларни жалб этиши керак бўлади.

Ҳукумат хориж ширкатларини мамлакат бўйлаб ташкил этилаётган эркин иқтисодий худудларга сармоя киритишга чақирган.

Аммо ҳозирга қадар сармоялар йўлидаги асосий тўсиқлардан бўлиб келган конвертация муаммосини ҳал қилиш томон аниқ қадамлар кўйилмаган.

Ҳукумат пул-валюта сиёсатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ таклифларни жамоатчилик муҳокамасига қўйган, аммо унинг қачон ҳаётга тадбиқ этилиши борасида аниқ муҳлат белгиланмаган.

**Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)**

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда Самарқанддаги руҳий касалликлар шифохонасида 2012 йилдан бери мажбурий ва яширин тарзда сақланиб келинган журналист Жамшид Каримов озод этилди. Халқаро ташкилотлар ҳукуматнинг бу қадамини олқишлаган ҳолда, Тошкент расмийларини қамокда қолаётган бошқа сиёсий маҳкумларни ҳам озод этишга чақирмоқда.

Жамшид Каримов Самарқанддаги руҳий касалликлар шифохонасидан озод этилганини ЕХХТнинг сўз эркинлиги бўйича мутасаддис Дунья Миятович олқишлади.

Чоршанба куни кечқурун ЕХХТнинг расмий сайтыда эълон қилинган баёнотда Дунья Миятович:

"Мен Каримовнинг озод қилинганини чин юракдан олқишлайман. Бу қарор Муҳаммад Бекжонов озод қилинганидан кўп ўтмасдан қабул қилингани позитив воқеадир. Мен ҳукуматни оммавий ахборот воситаларининг қамалган барча вакилларини, жумладан, Юсуф Рўзимуродов, Солижон Абдурахмонов ва Дилмурод Сайидларни озод этишга чақираман", деб билдирди.

Утган йилнинг декабрь ойида Миятович Ўзбекистон президентини қатор журналистларга нисбатан ўзининг авф этиш ҳуқуқини қўллашга

**Жамшид Каримов  
ОЗОД ЭТИЛДИ**

чақирган эди.

Биринчи президент Ислон Каримовнинг жияни бўлган Жамшид Каримов Жиззахда яшаган ва 2000 йилдан бошлаб халқаро матбуот билан ҳамкорлик қила бошлаган. Ислон Каримов акаси Арслоннинг ўғли бўлган журналист Жамшид Каримов президент амакисини ошқора танқид қилгани учун, расмийлар томонидан таъйиққа учраган ва руҳий касалликлар шифохонасига мажбуран ётқизилган эди.

Биринчи марта уни руҳий касалликлар шифохонасига 2006 йилда мажбуран ётқизиби, у ерда 2011 йилгача сақлаган эдилар.

Ушанда руҳий касалхонадан чиқарилганидан сўнг жамоатчиликка тарқатган мурожаатида Жамшид Каримов:

- Мен Оммавий ахборот воситаси вакилиман. Мен хабарчиман, хабарлар эса доимо ҳам яхши бўлавермайди. Лекин мен одамларга маълумот етказиш ҳаракатидан ҳеч қачон воз кечмайман. Мен сиёсатчи ҳам, ҳуқуқбон ҳам эмасман. Мен журналистман. Ортимдан пойлаб юрганлар шуни билсинларки, менинг энди йўқотадиган нарсам йўқ! Одам

бир марта яшайди ва бир марта ўлади. Мен тимсоҳ каби судралиб эмас, балки қаддимни ғоз тутиб яшамоқчиман, -деб билдирган эди.

Иккинчи марта у 2012 йилда руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилиб, то шу кунгача сақланиб келинган эди. Халқаро ташкилотлар кўп йиллардан бери Ўзбекистон ҳукуматини Жамшид Каримовни руҳий шифохонадан чиқаришга чақириб келаётган эди.

Ўзбекистонда ўзгача фикрловчиларни руҳий касалхоналарда мажбуран сақлаш амалиёти президент Ислон Каримов ҳукумронлиги даврида тез -тез қўлланиб турилган.

Масалан, ҳуқуқ фаоллари Елена Урлаева ва Алиқул Саримсоқовлар ҳам бир неча маротаба ноқонуний равишда бир неча ой давомида руҳий касалликлар шифохоналарида сақлангани хабар қилинган.

Жумладан, амалдаги президент, ўша пайтда Бош вазир бўлган Шавкат Мирзиёевни ноқонуний ҳатти-ҳаракатларда айблаб судга бермоқчи бўлган Алиқул Саримсоқов 2014, 2015 ва 2016 йилларда милиция ходимлари томонидан мажбурий равишда суд ажримисиз Жиззах руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилган эди.

**УХХ хабарлар бўлими**



## ИНОЯТОВ ЕГАН ТЕПКИСИ УЧУН КАРИМОВДАН ҶЧ ОЛДИМИ?

Ислом Каримовнинг чорак асрдан зиёд вақт оралиғида мустақил давлатга раҳбар бўлиб ўздан бир тузук из қолдирилмасдан мамлакатни ҳар жиҳатдан вайрона ҳолга, ҳалокат-жар ёқасига келтириб қўйганлигининг жиддий сабабларидан бири бу бошқарувдаги ўта пала-партишликнинг оқибатидир.

Фақат ўз нафсини ўйлаш ва ўз ҳукмдорлик даврини имкон қадар узоққа чўзиш орқали узоқ йиллар иқтидорда қолиш мақсади учунгина нимаики номаъқулчилик бўлса барчасини қўллашга уринди. На иқтисодиёт ривожланди, на маънавият юксалди ва на да сиёсатда жиддий ўзгариш-шаффолик бўлди. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, боши берк кўчага кириб қолмаган соҳа қолмади, ҳисоб.

Чумчуқ пир этса юраги шир этадиган Каримов ўта кўрқадиган-ҳадиксирайдиган бўлиб қолганлигидан ўзининг ҳатти-ҳаракатини назорат қила олмайдиган даражага тушиб қолганди. Худди шу сабабдан ҳам унинг кўлостидаишлайдиган юқори лавозимдор-раҳбарлар орасида ана шундай “назоратсизлик”нинг таъмини тотиб кўрмаган, бу вазиятдан шахсий манфаати йўлида худбинона фойдаланмагани камдан-кам бўлса керак.

Энг кизиги шундаки, қанчалик камситилиб-ҳақоратланмасин, неча бор калтакланиб оёқости қилинмасин мансабпарастлик касаллигига чалинган шахс барибир ҳар қандай йўл билан яна ўша қреслосига ёпишиб олишни одатга

айлантириб олиши табиийлигича қолавераркан. Мансабни ўз ҳаётининг туб маъноси ва мазмуни деб қарайдиган ҳолатидан чиқа олиши мушкул экан. Эгаллаган мансаби-лавозимини суистеъмол қилиши ортидан ўзига, оиласи-фарзандларига, қариндош-уруғига янада хавфлиси жамиятга, халққа, юртга не-не кўргуликлар-балоларни орртириб кетаётганлиги уни заррача ўйлантирмас ва ҳатто қизиқтирмас ҳам экан. Чунки бундайн тубанлик ботқоғига ботган нусхалар ўзини гўёки, жуда улкан ишларни амалга ошираётгандай ҳис этиши ва ўзи англашни истамаган бу каби ножоиз амалидан гурурланиши шубҳасиз.

Ўзбекистонда йигирма беш йилдан ортиқ амалда бўлиб келган мавжуд режим ҳар жабҳада худди ана шундай тоифадаги “кадр”ларни етиштиришда асосий инкубаторлик вазифасини ўтади, муболағасиз.

Биргина миллий хавфсизлик тизимига эътибор қаратинг: йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида раҳбарлик қилиб келаётган Рустам Иноятовни ана шу “инкубатор”нинг чиркин ҳосиласидан бири деб айтишимиз мумкин.

Каримов диктатор-ўта қаттиққўл раҳбар бўлса-да, халқ, омма-жамоатчилик олдида қилган чиқишларида ўзини имкон қадар муаммога жиддий, танқидий кўз билан қарайдиган, халқпарвар, жонкуяр, ичи ачиётган раҳбар сифатида кўрсатиш йўлини топгандек эди, гўё. Бу ролни у моҳирлик билан ижро этишга ҳаракат қиларди. Аслида-чи? Парда

орқасида, хусусан, у қабул қилган инсонлар унга ёқмайдиган ҳатти-ҳаракатларни содир этган бўлса, кабинетда-панагина жойда кўп маротаба калтаклаган ҳолатлари ҳам бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар кам эмас.

Бунга ўхшаш “ур-калтак”лар оддий ходимдан тортиб то вазир, давлат маслаҳатчилари, ҳаттоки баъзи машҳур ёзувчи-шоирлар ва умуман зиёлилар бошида ҳам синганлигидан бугун кўпчилик хабардор. Бундай хунук воқеаларга гувоҳ бўлганлар ҳам анчагина. Зулмкорликнинг ёпиқ турда амалга ошириладиган, яъни кўпчиликнинг назари тушиши мумкин бўлмаган — иш кабинетда содир этилганлари хусусидадир бу фикрларимиз.

Энди эса...

Дўппослаш ва ҳаттоки тепкилашнинг очиқ турдагиси, ташқарида, яъни кўпчиликнинг кўз ўнгида рўй берганлиги хусусида сўз юритмоқчимиз. Ичкаридагиларини-ку нима бўлган-бўлмаганини биров билиб-бирова билмай, кўриб-кўрмай қолади: маълумот баъзан шу ҳолича ташқарига чикмай қолиши ҳам мумкин. Айтаётганимиз ҳодиса эса унинг бутунлай тескарисидир. Сабаби, у катта бир шохкўча-трассанинг ўртасида намойишкорона тарзда содир бўлган. Яна ким билан денг, Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятов билан! Ушбу калтакланишнинг қайд этилиши кўпчиликнинг қизиқиши ва ҳайратини ошириши табиий. Чунки кимсан хавфсизлик хизматининг раҳбари, президентнинг энг ишончли, биринчи рақамли одами шу даражага олиб келинганлиги кўпчиликнинг диққатини ўзига қаратиши ва табиийки, ажаблантириши шубҳасиз. Ушбу воқеанинг айнан қаерда ва нима учун ҳамда қандай шаклда бўлганлигига оид тафсилотлари ҳақида батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Тошкент шахри аҳолиси жуда яхши билади: президент Каримов кортежи иш кунлари ҳар куни эрталаб соат ўнга яқин “Дўрмон” тарафдан йўлга чиқаркан, албатта Пушкин ҳайкали ва метроси ўртасидаги йўлдан кесиб ўтишга мажбур эди. Кунларнинг бирида кортеж худди шу манзилдан ўтаётиб, “Дархон” кафесига етишига бир баҳя қолганида

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

негадир фавқуллода тўхтатилади. Бу албатта, камдан-кам учрайдиган ҳодиса.

Шунда Каримов бирдан ўзи ўтирган автомашинадан тушиб кимнидир излай бошлайди. Табиийки, айти шу онда биринчи бўлиб нима бўлди экан, деб ҳовлиқиб МХХ раиси Рустам Иноятов югургилагандек бўлиб, лапанглаб президентнинг ёнига етиб келади. Шу вақт дабдурустдан кутилмаган бир вазиятда жаҳл отига миниб олган Каримовнинг оғзидан боди кириб шоди чиқиб бақираркан, йўлнинг ўртасида намойишкорона тарзда тўсатдан Иноятовнинг дуч келган жойига тепа бошлайди. МХХ раҳбари эса нима дейишини билмасдан каловланиб қолиб фақатгина “Ислом Абдуғаниевич...” дея олади, холос.

Президент негадир уни мутлақо тинглагиси келмасди. Тан кўриқчилари ҳам нима бўлаётганлигини тушунмасдан таажжубда қолишади. Айтиан ўша ҳудуд дарҳол ўраб олиниб, атроф пиёдалардан тозалана бошлайди. Айти шундай қалтис ва ўта мураккаб вазиятда Каримовга ҳеч бир нарсани уқтириб бўлмаслигини жуда яхши англаб етган Иноятов тепки ейишда давом этаркан, оёқ билан берилаётган зарб танасининг қай ерига келиб тушаётган бўлса, ўша жойини уқалаб қўйишдан нарига ўта олмай қаттиқ довдираб қолади. Бу кўнгилсизлик қисқа метражли фильм каби бир зумда бўлиб ўтади. Каримов гапининг сўнгида Иноятовга қараб бугун қабулига нима билан кириши кераклигини уқтиради-ю, машина ўтириб оқсарой томон кетади.

Кейинроқ маълум бўлишича, Каримовнинг бу қадар жазавага тушиб, ўзининг ҳатти-ҳаракатларини назорат қила олмайдиган даражага бориб қолишининг бош сабабларидан бири, бу - “Дархон” кафесидан эрталаб бериладиган тўй, маърака оши ва шунга ўхшаш турли тадбир-маросимларнинг ўтказилиши оқибатида ўша йўл доимо одамлар билан гавжум бўлганлиги ҳамда автомобилларнинг ҳам тирбандлашиб кетганлиги бўлган. Айти шу масалада Иноятов бир неча маротаба оғоҳлантирилган ҳам. Шунга қарамай, Новомосковский кўчаси тарафидан келаётган автомашиналар карвони оқими



негадир айтиан ўша куни президент ўтаётган шоҳкўчага жуда ҳам яқин келган ҳолда йўлга такалиб турган, гавжум бўлганлиги Каримовни ғазаблантирган.

Албатта бундайин “комедия” Иноятов билан биринчи маротаба содир бўлаётгани йўқ эди... Илгарилари М.Горкий (ҳозирда Буюк Ипак йўли) метроси яқинидаги айланма йўлдан бемалол Доғистон ва “Дўстлик” кинотеатри жойлашган кўчаларига кириш мумкин эди. Сўнг бу йўл ёпиб қўйилди. Натижада кортеж ҳаракатланаётган маҳалда автоҳалокат рўй бериши мумкин бўлган жиддий вазият юзага келиб қолган. Ўрни кутилмаганда бир “самосвал” кортеж йўлига чиқиб қолган. Бечора кум ташиётган “самосвал” ҳайдовчисининг-ку уйини куйдириб юборишди... Иноятовнинг масъулиятсизлиги учун додини бериб қўйиш ҳодисасининг давоми ҳам президент девонида, унинг иш кабинетида рўй берганлиги борасида маълумотлар бор. Ичкарида давом эттирилган “жазолаш иши”да президент роса-а-а хуморидан чиққунча “уркалтак”ни давом эттирган.

Ҳаттоки худди шундай воқеанинг биринчи ва иккинчиси билан биргаликда учинчиси ҳам очиқ ерда, одамлар янада гавжумроқ жойда содир бўлган. Аммо учинчи маротаба Каримовдан калтак ейиши, Иноятовнинг чап оёғи томири тортишиб қолишига сабаб бўладиган даражада бўлганлигини шифокорлардан бири оғзидан гуллаб қўйган. Шу боис бу киши қачонки Каримовнинг қабулига борадиган бўлса, кабинетга кираверишдан бошлаб албатта худди ўша оёғини атайлаб судрагандек қилиб

кўрсатишга ҳаракат қилишни одатга айлантирган. Сабаби, Иноятов шу қадар Каримовнинг психологиясини ўрганиб олганки, қай вақт-қандай вазиятда унинг раҳмини келтира билиш, ўзига нисбатан бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартира олишни устомонлик билан удалаган. Президент эса унинг бу қадар тулкилигини чамалаб ҳам кўрмаган бўлса, эҳтимол... “Ҳа, бир неча маротаба уриб-тепиб оёғини шунақа судраладиган ҳолга келтириб қўйишимга қарамасдан у менга ҳали-ҳамон куллуқ ва куллик қилиб ўз садоқатини билдираяпти” дея ғурурланиб, ахмоғи чиқиб ҳаволаниб гўё ўша қилган ҳатти-ҳаракатидан куч олгандай бўлиб жуда калта ўй-фаҳм билан юрган. Оқибат эса... қандай натижа билан тугаганлигини ўзингиз кўриб турибсиз.

Каримовни қонхўр-диктатор сифатида дунёга танитишда ҳаммадан ҳам кўра, Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятовнинг қўшган ҳиссаси беқиёс ва улкан бўлганлигини тан олмасликнинг иложи йўқ. Каримовлар оиласининг тақдири алал-оқибат нималар билан яқун топганлигини бугун фақат Ўзбекистон аҳли ёки Марказий Осиё давлатларида яшовчи халқларгина эмас, балки бутун дунё жамоатчилиги кўриб кузатиб турибди.

Аслида бир марта калтак еганидан кейин унинг ишидан қониқиб ҳис этилмаганлигини англаб, ўз ўрнини халқ тақдирини ўйлайдиган бирор мардга бўшатиб бериб кетса ҳам бўларди. Бироқ Иноятов бир эмас, бир неча маротаба Каримовнинг оёғи остида “теппакалаваш” қилинишига қарамасдан барибир ўз лавозимида қолаверган. Ҳаттоки бир икки сафар лавозимдан бўшаш ҳақида ариза ҳам ёздириб олинган, ҳатто унинг ўрнига тайинланадиган кадр ҳам маълум бўлган. Лекин Иноятов ишдан кетмаган, аниқроғи, лавозимдан кетмасликнинг “нозик” йўлини топа билган. Шу жиҳати билан ҳам бу жумбоқ кўпчиликни қизиқтириши табиийдир. Унинг ишдан олинмай қолишига сабаб бўлган муҳим омил-сир нимага ва кимга бориб тақалиши мумкин? Яхшиси, ушбу ўта сирли занжирсимон хилқатлар ҳақида эса кейинги сафарги чиқишларимизда...

Абдуворис Салом

Нарзулло Охунжонов

**МАМЛАКАТНИ КИМ  
БОШҚАРАЯПТИ?  
(еттинчи мақола)**

**САФАРДА-ДА ҚАДАМИНГНИ  
ЎЛЧАЙДИЛАР**

2009 йилнинг куз ойлари эди. Сурхондарё вилоятига бир неча кунлик ижодий сафарга борадиган бўлдим. Ҳали Термиз шаҳрига етиб бормасимдан мендан олдин Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг режим ва хавфсизлик хизмати ходими Расулов Хуршид ва унинг югурдакларидан бири ўша ерда экан. “Ҳа, энди улар ҳам ўзларининг иши билан келгандир-да”, деган хаёлга бордим ўшанда.

Вилоятда беш кун мобайнида сафар режасини бажариш ва уни ниҳоясига етказиш учун шу даражада ишга шўнғиб кетибманки, Тошкентга қандай етиб келганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Тўғриси, баъзи ҳолларда борган жойларимизда қайси ташкилот, корxonанинг тижорий эшиттиришларга эҳтиёжи бўлса, ўзаро шартнома қилинади. Албатта, барчаси иккала томоннинг ҳам розилиги билан қонун доирасида амалга оширилади. Лекин, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Чунки кейинги пайтларда кўпгина корхоналарнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб-танглашиб бормоқда. Шу боисдан вилоят ҳокимлиги мутасаддилари мендан шундай шартномалар бланкаси бўлса, ташлаб кетишимни ва кейинроқ маслаҳатлашилиб кўнғироқ қилишларини айтишганди. Пойтахтга қайтишимдан олдин вилоят ҳокимининг ўринбосари Жўра Сафаров билан ҳам бу ҳақда гаплашгандим. У кишига мен бу мажбурий эмас, агар зарурат бўлса кўнғироқ қилишларини, бўлмайдиган бўлса ҳам бундан ҳеч кимнинг хафа бўлишга ҳаққи йўқлигини айтгандим. Бу гапни ўша инсон тўғри қабул қилганлигига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Иккимизнинг орамизда бўлган гап шу. Бошқа бирон бир илтимос ёки баъзилар гумонсирганидек заррача таъмага ишора ҳам бўлгани йўқ. Бори ҳам шу.

Орадан анча вақт ўтиб кетди. Бу шартнома масаласи ҳаттоки ёдимдан кўтарилиб кетибди.



**Сафарда-да қадамингни ўлчайдилар**

Бир куни ўша вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзи кўнғироқ қилиб қолди. “Сизда зарур бир гапим бор. Айнан ҳозир ушбу телефонда бу ҳақда ҳеч нарсани айта олмайман. Уй телефонингизни берсангиз кечроқ бошқа телефондан кўнғироқ қиламан” деб қолди. Нима зарур гап экан, деб дарҳол уй телефонининг рақамини бердим. Бу инсоннинг шоша-пиша айтган сирли гаплари мени таажжубга солди. Шу алфозда нима гап экан, деб, кечгача ўйланиб юрдим.

Кечроқ хонадонимизнинг телефони жиринглаб қолди. Гўшакни олсам, ўша кишининг ўзлари - Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Жўра Сафаров. Яна бир бора ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, ҳа, айтомқчи, нима гаплар, ака, -дедим. У киши “Нарзулла, биласизми, сиз Тошкентга қайтганингиздан сўнг мени Сурхондарё вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармасига чақиришавериб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. Шу десангиз, кеча-қундуз менинг ва оила аъзоларимнинг тинчлиги бузилган, барчамизнинг ҳаловатимиз йўқолган. Нима қилишимизни билмай гаранг бўлиб қолганмиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг орқасида ишхонангизнинг режим хизмати ходимлари турганлиги хусусидаги аниқ маълумотлар менга етиб келди. Сиз билан алоҳида шуғулланишаётган экан, тинчликми ўзи?” деб қолди.

Мен эса бу ҳолдан ҳайрон бўлиб “Тинчлик ака, ҳаммаси жойида, ҳеч гап йўқ. Сизни айнан нима деб безовта қилишмаяпти?” мазмунидаги саволни бердим.

У киши бунга жавобан: “Улар мендан: “Сиз журналист билан нима ҳақда гаплашдингиз? У сизга нима деди? Қанақанги шартнома туздингиз? Қанча пул сўради ва қанча бердингиз?” дея сўрайвериб бир ҳафтадан бери олиб бориб олиб келишаяпти. Тоза қийнаб юборишди Мен эса олди-берди у ёқда турсин, ҳали шартнома ҳам имзолангани йўқ-ку, дея унга ҳаттоки биз томонимиздан муҳр қўйилмаган шартнома бланкасини ҳам кўрсатдим.

Бу хизмат ходимларининг қўяётган қаттиқ талаби шу бўлаяптики, мен сизга катта миқдордаги маблағ, яъни фалон сумма бердим деб ёзиб беришим ва бу борада улар билан ҳамкорлик қилишим керак эмиш. Уларга мен бунақанги ифлос ишларга қўл урмаслигимни очиқ-ойдин айтдим. Агар шуни бажармасангиз ишингиздан айриласиз, дейишди. Ишдан айрилсам, айриламан, лекин бировга тўхмат қилиб виждонимга қарши иш қилмайман, деб рўй-рост айтдим. Мендан хафа бўлманг-у, ука, сизнинг орқангиздан улар конкрет тушишган. Мен-ку ўзим яхши билмайдиган сиздек бир ҳолис журналистнинг устидан бўҳтондан иборат ариза хати ёзмаганим учун нари борса ишдан ҳайдаларман. Балки бошқа қўйларга ҳам солишар.

Лекин мен ёзмаганим билан булар эртага бошқа бировларни топиб, устингиздан бўҳтон уюштиришлари аниқ. Чунки, зиғирдай шахсий манфаати учун бир беғуноҳ одамга тўхмат ёғдириб,

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

жувонмарг қилиш даражасигача борадиган пасткашлар ҳар доим, ҳамма жойда топилади. Менинг сизга ҳам холис яхшилигим, ҳам насиҳатим шуки, ўзингизни эҳтиёт қилинг, жудаям эҳтиёт қилинг!”.

Телефон орқали келаётган бу овозлар титраб-титраб келарди. Шунда шартта: “Жўра ака, улар сизга ўзларининг кимлиги, исми-шарифини айтиб таништирадиларми? Агар таништирган бўлса, айтинг”, - дедим. Вилоят ҳокимининг ўринбосари эса: “Йўқ, айтолмайман, кўйинг ука, кейин мени улар умуман тинч қўйишмайди. Менга ёки оиламгами, албатта бирон бир нарсани уюштиришади. Мана, сиз бўлган гаплардан хабардор бўлинг, деб ҳаммасини айтиб бераяпман. Худди шунинг учун ҳам ишдан кетишим янада тезлашиб кетса ажабмас. Улар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Фақат жудаям хушёр бўлинг, ука, вояга етмаган бир этак фарзандларингиз бор экан, деб эшитдим. Уларни ҳам ўзингизни ҳам асранг, эҳтиёт бўлинглар, огоҳ бўлинглар!” - дея мен билан хайр-хўшлашди.

Ҳақиқатдан ҳам кўп вақт ўтмасдан Жўра ака Сафаров менга қарши фалон сўм талаб қилди ёки олди деб ёзиб бермаганлиги учун қаттиқ қистовга олинган. Бу тазйиқлардан безиб кетган Жўра ака вилоят ҳокимининг ўринбосарлигидан ўз аризасига кўра кетган. Бу ҳақдаги гапларни у киши билан ишлаган бошқа бир мутахассисдан эшитдим. Шундан сўнг ўшанда вилоят миллий хавфсизлик хизматидан кимлар у кишини сўроқ қилганлигини сўрасам энди кўркмасдан айтиб бера олармикин деган мақсадда бир неча маротаба Жўра акани изладим. Афсуски, тополмадим. Фақат бир нарсга аён бўлдики, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси режим ва хавфсизлик хизмати ходими Расулов Хуршид ва унинг “қулоғи” бежизга мендан олдин Сурхондарё вилоятига “сафар”га отланмаган экан. Ана шундан кейин бу хизмат ходимлари томонидан кузатув ва назоратнинг бошқа бир усуллари ишга солина бошлади. Бу ҳақда энди кейингиларида...

05.03.2014 й.  
(давоми бор)

## Қирғизистон суди Текебаевни 2 ой ҳибсда қолдирди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Бишкек шаҳар Биринчи Май туман суди 28 февралга ўтар кечаси муҳолифат лидерларидан бири Ўмурбек Текебаев ва Дуйшен Чўтўновни 2 ойга ҳибс қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Бу ҳақда Текебаевнинг адвокати Чўлпўн Жакупбекова маълум қилди.

-Икки ойга қамоққа олинди. Суднинг қарори олдиндан тайёрлаб қўйилганга ўхшайди. Чунки қарорни ўн минут ўқишди, судья маслаҳатлашув хонасида эса бор йўғи беш дақиқа бўлди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган ҳукми ўқиб беришди, - деди Чўлпўн Жакупбекова.

Қирғизистондаги энг таниқли сиёсатчилардан бири бўлган Ўмурбек Текебаев 26 февраль куни Истанбулдан Бишкекка учиб келганида Манас аэропортида қўлга олинган эди. Орадан кўп ўтмай муҳолифатчи Дуйшен Чўтўнов ҳам қўлга олинган.

Расмийлар муҳолифатчиларга нисбатан коррупция моддаси билан жиноят иши очилганини билдирди. Бироқ муҳолифатчилар буни сиёсий таъқиб деб ҳисобламоқда.

Ўмурбек Текебаев кейинги бир йил ичида президент Атамбаев ва унинг яқинларининг коррупцияга аралашганини иддао қилиб келаётган эди.

Президент Атамбаев ва Ўмурбек Текебаев ўртасидаги компроматлар уруши 2016 йил 31 августда бошланган эди. Ўшанда Муस्ताқиллик куни муносабати билан сўзлаган нутқида Атамбаев 2010 йилдаги Муваққат ҳукумат фаолиятини танқид қилган ва бунинг ортидан собиқ президент Роза Ўтунбаева намойишкорона равишда тантана жойини тарк этган эди.

Шундан сўнг Текебаев президент ва унинг яқинларини коррупцияда айблаб қатор айбловларни илгари сурган, Миллий хавфсизлик хизмати эса Текебаев ва унинг бир

неча сафдошини коррупцияга алоқадорликда айблаб бошлаган эди.

Ўмурбек Текебаевнинг қамоққа олиниши ортидан Қирғизистоннинг турли шаҳарларида, жумладан, пойтахт Бишкекда муддатсиз норозилик митинглари бўлиб ўтмоқда. Митингларда собиқ президент Роза Ўтунбаева Текебаевни қўллаб-қувватлашувчи сўзламоқда.

-Президент бугунги кунда даҳлсиз одамлар йўқ деяпти. Тўғри, даҳлсиз одамлар бўлмаслиги керак, лекин бу принцип ҳаммага тенг бўлиши лозим. Президент маъмуриятини ҳалол бўлмаган одамлар эгаллаб олганку, ахир, - деди Роза Ўтунбаева.

Бишкекда митинглар президент маъмурияти биноси олдида ўтказилмоқда. Лекин бугун Қирғизистонга Россия президенти Владимир Путиннинг келиши муносабати билан норозилар митингни Миллий хавфсизлик қўмитаси биноси олдида ўтказишга қарор қилган.

Россиялик таҳлилчи Аркадий Дубнов Ўмурбек Текебаевнинг айнан Владимир Путин Қирғизистонга келиши олдида қамоққа олинганини сиёсат билан боғлайди:

-Бу иш учун айна мана шу пайт бекордан танлаб олинган эмас, деб ўйлайман. Негадир Атамбаев Путин ташрифи арафасида ўзининг қатъиятли эканини ва ўз мамлакатидagi вазиятни тўла назорат қила олиш салоҳиятига эга эканини намойиш қилгиси келди. Атамбаев учун мамлакатдаги вазият ўз назоратида эканини кўрсатиш жуда муҳимдир. Атамбаев бўлғуси президентлик сайловида иштирок этмаётгани учун уни ҳозир “чўлоқ ўрдак” ўларок кўришмоқда. Атамбаев сайловга тўққиз ой қолганида ҳам вазиятни назорат қила олиш қудрати кучли эканини намойиш қилишни истади, - деди Аркадий Дубнов.

ЎХХ хабарлар бўлими

Олдинги дайжестларимизда бир неча бор Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтган электрон оммавий ахборот воситаларида уйғониш эпкени эсаётгани, улар аввал умуман тилга олинмаган мавзуларни қаламга олаётганига эътибор қаратган эдик.

Бугун ҳам шу мавзуни давом эттириб, электрон ОАВлардаги бу вазиятга бироз кенгрок ёндашиш истагидамиз.

Кўпчилик эътибор беряптики, Ўзбекистондаги ОАВ, айтиш жоиз бўлса, юрт учун ҳозирги янги бир босқичда биз ўн йиллар давомида кўниқиб қолганимиз биқик муҳитдан чиқиб, ўзининг «қимматбаҳо тўни»ни тешиб чиққан пилла капалаги сингари тоза ҳаводан нафас олиш ҳамда парвоз ва эркинлик завқини туйиш ҳаракатидадир.

Kun.uz, Nuz.uz, Tafsilot.uz каби сайтларда бу ўзгаришлар нисбатан кўпроқ кўзга ташланмоқда. Илгари электр, газ танқислиги муаммосини кўтарилармиди? Текис юзасидан кўра ўйдим-чуқури кўп йўллар масаласи-чи? Ишсизликни-чи?

Бугун бу муаммолар электрон ОАВдан ташқари босма газеталаримизда ҳам бот-бот кўтарилмоқда.

Хатто ҳукуматнинг энг расмий ахборотвоситаси бўлиш Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳам ўзгаришга урингандек бир-икки ҳаракатини кўрсатди. Илгари давлат раҳбарининг бир вилоятга боргани тўғрисидаги хабарни ярим кечагача кутиш керак эди. Энди ЎЗА президентнинг вилоятларга чиқиб, ҳар бир тумандаги учрашуви ҳақида имконияти даражасида тезкор хабар тарқатишга ҳаракат қилмоқда.

Хатто бу ўзгаришни тезда илганган бир журналист расмий ахборот агентлигининг бу хатти-ҳаракатларини мактаб ҳам чиқди.

«Мустақиллик туфайли юртимизда баҳор келди» каби сарлавҳалари билан машҳур бўлган ЎЗА тезкор хабарлар тарқата олишини исботлади», деганга ўхшаш мактовни ҳам айтиб ўтди.

Илгари ЎЗА президентнинг вилоятларга ташрифига кўп бўлса, битта мухбир ва битта фотомухбир жўнатарди. Маълум бўлишича, ҳозир давлат раҳбарининг бирор вилоятга ташрифига ЎЗанинг камида ўнта мухбири ҳамроҳ бўлиб боряпти.

Телевидениедан бораётган гуруҳлар аъзоларининг сони ҳам 30



## Ҳақиқат тўлқинлари зулм тўғонларини емира бошладими?

нафарга яқинлашиб қолган эмиш.

Биз ҳам юқорида тилга олинган журналистнинг мактовига тўлиқ қўшилмаган ҳолда бир истихолани айтиб ўтмасак бўлмайди. ЎЗА янги даврга ҳам эскича руҳияти билан кириб келди. Бугун ҳам агентликнинг хабарлари «президентимиз раҳнамолигида», «мухтарам президентимиз» каби Ислом Каримов давридан мерос жумлалар билан тўла.

Тўғри, ЎЗАда аниқ муаммолар тилга олинмайди ёки умумий жумлаларда эслатиб ўтилади. Эслатиб ўтилганда ҳам муаммоларнинг илдизлари очилмайди, таҳлил этилмайди, айбдорлар очик айтилмайди.

Бу каби ҳолатларни муаммоларни айта олаётган норасмий электрон ОАВлар фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Аммо ЎЗадан фарқли ўларок, уларда муаммолар кенгрок тилга олинмоқда, илдизлари имкон қадар кўрсатиб берилишига интилиш бор.

Битта мисолни келтириб ўтаимиз. Президент иштирокидаги турли учрашувлар ҳақидаги мақолаларнинг ЎЗА ва бошқа эркин электрон ОАВларда ёритилишида жуда катта фарқ мавжуд. Биргина ўтган йил яқунларига бағишланган йиғилишнинг ёритилишига эътибор қаратишингиз кифоя.

Албатта, расмий агентлик ва хусусий сайтлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари бор. Шунга қарамай, маълумот олиш борасида ЎЗанинг имкониятлари кенглигини ҳисобга олсак, агентликнинг бугунги ҳолати ҳали ҳам аянчлидир, деган хулосага келиш мумкин.

Хусусий электрон ОАВларнинг «майдонни кенгрок олиш»га уринаётгани диққатга сазовор. Айниқса, Kun.uz сайтининг бу борадаги фаолияти эътиборга лойик.

Kun.uz сайтининг бир неча мақолалари шов-шув бўлди. Уларнинг баъзилари сайт томонидан тайёрланган, айримлари бошқа сайтлардан тезкорлик билан кўчириб босилган. Шунинг ўзиёқ Kun.uz эркинлик сари бошқалардан кўра кўпроқ интилаётгандек таассурот уйғотади.

Самарқанддаги электр танқислиги ҳақида Nuz.uz дан кўчириб босилган мақола, биттагина кичкина маълумотни тақдим этишни ҳафталаб чўзган Марказий банк танқид қилинган муаллифлик мақоласи Kun.uz нинг бугунги интилишларини кўз-кўз қиладигандек кўринади.

Бундан ташқари, сўнги вақтларда Kun.uz бир ишга қўл урдик, бу сўнги йиллардаги ўзбек журналистикаси учун каттагина янгилик сифатида қабул қилинмоқда. Бу ўзгариш сайт мухбирларининг вилоят ҳокимлари билан юзма-юз интервьюлар уюштириш ҳаракатларидир.

Яқинда бу ҳаракатларнинг илк маҳсули – Андижон вилояти ҳокими билан видеоинтервью эълон қилинди. Унда турли мавзулар кўтарилди, ҳоким вилоятни ривожлантириш, у ердаги муаммоларни ечиш, аҳолининг дардларини тинглаш каби масалаларда ўз нуқтаи назарини билдирди.

Назаримизда, бу ўринда асосий жиҳат видеоинтервьюда кўтарилган масалаларда эмас, балки ҳокимнинг норасмий ОАВ вакили билан суҳбатлашганидадир. Чунки шу вақтгача ўзбек журналистикасида бундай ҳодисалар анқонинг уруғи мисол бўлиб келганди.

Ўзбек ОАВларида юз бераётган бу каби ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу ўзгаришларга сабаб нима, деган савол ўртага чиқиши табиий.

Гап шундаки, янги президент қудратга минар-минмас «халқ билан мулоқот қилиш» иштиёқи баландлигини баралла айта бошлади. У икки гапининг бирида «халқ давлат учун эмас, давлат халқ учун ишлаши керак»лигини таъкидламоқда.

Президентнинг мана шундай умидбахш хатти-ҳаракатлари, раҳбарларни «олиб бориб олиб келаётгани» ортидан олий ҳокимият доираларида қандайдир мавҳумлик ҳукмрон сураётгандек таассурот пайдо бўлмоқда.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Бу мавҳумлик шароитида ҳукмрон доиралар вакиллари президент ўзи эълон қилган сиёсий курсини айна йўналишда давом эттирадими ёки аста-секин вазият яна аввалги ҳолатига қайтадими, деган савол қаршисида қолди.

Аммо бу саволнинг жавобини ҳозирча кўпчилик билмаяпти. Фикримизча, ўзбек журналистикаси мана шундай бир вазиятда лойқа

ҳовуздан кенг денгизга чиқиш йўлини қидираётган балиқ каби ҳолатдадир. Гўёки ҳукмрон доиранинг ҳақиқат тўлқинлари йўлида қурган тўғонини имкон қадар емиришга интиломқда.

Бироқ йиллар давомида халқ қонини зулукдек сўриб келган ҳукмрон доиралар ҳеч қаерда, ҳеч қачон осонликча ўлжасидан воз кечган эмас. Эркин матбуот зулуклар юзидаги пардани очиб ташлашини улар жуда яхши

тушунади.

Шунинг учун журналистлар «энди матбуотга ҳам эркинлик берилди, аста-секин мақсадимизга етамиз», деб чизиб берилган чегара доирасида «эркинлашиш» ўрнига дадил қадамлар қўйиб, ҳақиқий эркинлик учун ҳаёт-мамонт жангига киришиши керак.

Зеро, ҳақ олинур, берилмас!

**Баҳодир Шариф**  
Ўзбекистонлик газетхон  
таҳаллуси



## Каримовни Отатуркка қиёслаш нотўғри

**Рўзибой Азимий**

Мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи президенти Ислоҳ Каримовнинг номини юртдошларимиз, хорижликлар Жорж Вашингтон, Шарль де Голль, Мустафо Камол Отатурк каби давлат арбоблари қаторига қўяди, дея таъкидлади.

Аммо, бизнинг фикримизча, Ислоҳ Каримовнинг номини Жорж Вашингтон, Шарль де Голль ва Мустафо Камол Отатурк каби давлат арбоблари қаторига қўйиш тамомила нотўғри. Биз Биринчи президентимизнинг фаолиятларини, сиёсий ва бошқа позицияларини дунёқараши-ю менталитети бутунлай бошқача бўлган Ж. Вашингтон ва Ш. де Голль билан солиштиришни бир чеккага қўя турайликда, тарихий манбаларга таянган ҳолда диндошимиз, қардошимиз, қариндошимиз бўлмиш Мустафо Камол Отатурк билан Ислоҳ Каримовнинг давлат бошқаруви фаолиятидаги, миллатпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик каби шахсий туйғуларидеги, миллий ўзликни англаш хислатларидаги, миллат ва халқ учун асқотадиган фазилатларидаги кўзга қўринарли

фарқларига разм солайлик.

Мустафо Камол Отатурк Туркия мустақиллиги, Туркия давлатининг суверенитети учун қўлига қурол олиб, жон-жаҳди билан курашган, душманлар устидан ғалаба қозонган ҳолда Туркия Республикасига асос солган шахс ҳисобланади ва унинг бу қаҳрамонликлари бутун дунёда алоҳида эътироф этилади.

Ислоҳ Каримов эса дунё афкор оммаси кўз ўнгида СССРдай қудратли давлатнинг парчаланиши аниқ бўлган бир пайтда Ўзбекистоннинг СССР таркибидан чиқишига, мустақил давлатга айланишига жиддий тарзда монелик қилган шахс ҳисобланади.

Отатурк нафақат ўз халқи, ўз элининг, балки барча турк оламининг буюк президентларидан бирига айланиш бахтига мушарраф бўлган давлат арбобидир. У бундай бахтга элпарварлиги, юртпарварлиги, халқпарварлиги, шунингдек, фақат туркларни эмас, барча туркий халқларни севиши, ардоқлаши орқали эришди, десак эҳтимол, хато бўлмас.

Мустафо Камол Отатуркнинг туркийгўйлигини унинг 1933 йилда Туркия Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали

йиғилишдаги тарихий нутқи ҳам исботласа керак. Унда шундай деган эди: "Бугун қўшнимиз, иттифоқдошимиз бўлмиш Советлар Россияси ҳукмронлигидаги давлат таркибида тили бир, дини бир, ишонч-эътиқоди-юурф-одати, келиб чиқиши бир бўлган қардошларимиз, қондошларимиз бор. Биз уларни асло унутмаслигимиз керак. Ҳар доим ёрдамга шай бўлмоғимиз лозим. Айниқса, маданий-маънавий алоқаларга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор".

Отатурк бу сўзларни шунчаки айтибгина қолмасдан Туркия Республикаси президенти сифатида ижросини амалиётга тадбиқ эта олди. Туркия ҳудудида ўзбеклар, қозоқлар, уйғурлар, туркманлар, озарбайжонлар, қирғизлар, татарлар ва бошқа туркий халқлар фарзандларининг эмин-эркин таҳсил олишини ҳамда турклар ва туркий халқларнинг бир-бири билан ўзаро жипслашишини имкон қадар таъминлашга эришди.

Ислоҳ Каримов эса, ўзининг 25 йиллик президентлиги даврида туркий халқларни жипслаштириш учун ҳеч қандай чора-тадбирларни амалга оширгани йўқ. Аксинча, айрим туркий халқларни парокандага айлантиришга ҳисса қўшди. Бунга чорак аср давомида қўшни туркий давлатлар билан маънавий-маданий алоқаларга барҳам берилгани, қўшни давлатлар билан виза тизими жорий этилгани, ҳал этилмаган чегара мажоролари, чегараларда рўй берган бир неча хунрезликлар ва ҳ.к. воқеа-ҳодисаларни мисол тариқасида келтирсак бўлади.

Ислоҳ Каримовни туркий халқлар тақдири тугул яқин чет элларда, қўшни республикалар -- Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистонда яшаётган ўзбеклар тақдири ҳам заррача қизиқтирмаган. Шу тариқа, қўшни республикаларда яшаётган ўзбеклар тарихий ватани билан маданий-маънавий ва бошқа алоқаларни ўрнатишдан мосуво

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

этилган.

Мустафо Камол Отатурк "Агар керак бўлса, миллатим учун ўз жонимни фидо қила оламан!", дея баралла айта олган давлат арбоби. У, шунингдек, "Миллатга зўравонлик қилиш мумкин эмас, миллатга фақат хизмат қилиш керак!", "Мен учун энг кучли ҳимоя қатлами, энг кучли мадад манбаи -- миллатимнинг келбати. Миллатимнинг юзини ерга қаратмаслик менинг асосий бурчимдир!", деган. Дарҳақиқат, Отатурк реал ҳаётда турк миллати учун сидқидилдан қайғурган ва турк миллатининг равнақи учун астойдил хизмат қилган.

Ислом Каримовнинг эса, ўзбек миллатига меҳри баланд бўлгани шубҳали. Агар у ўзбек миллатига меҳрибон бўлганида, жафоқаш, меҳнатсевар халқини олий минбарда туриб "дангасалар" дея оламга ёймаган, уларнинг юзини шувит қилмаган, ҳурмату иззатини топтамаган, отанинг "жинояти" учун болага, боланинг "қилмиши" учун отага ёхуд оила аъзоларига зўравонлигу зулм, ситам етказмаган бўлар эди.

Бутун дунё бўйича "Энг узоқ вақт қамоқхонада сақланган сиёсий маҳбус" (Самандар Қўқонов, 24 йилу 6 ой), "Энг узоқ қамоқхонада сақланган журналист" (Муҳаммад Бекжон, 18 йил), "Энг узоқ қамоқхонада сақланган ёзувчи" (Мамадали Маҳмудов, 17 йил) "тамға"лари ўзбек миллатига мансуб кишилар билан Ўзбекистонда қайд этилгани ҳам Ислом Каримовнинг ўзбекпарвар эмаслигини далиллашга асос бўла олса керак.

Бундан ташқари, ўзбек миллатига мансуб бўлган ва қарийб 15, 20, 25, 30 йилдан бери Ўзбекистон ватандоши бўла олмаган ватандошсиз шахслар ҳам ер юзи бўйлаб фақат Ўзбекистонда қайд этилгани Ислом Каримовнинг номини Мустафо Камол Отатурк номи билан бир қаторга қўйишга ҳалақит бера олишига ишончимиз комил. Айтингчи, парчаланган СССР давлати ватандошларини сақлаб келган, ватандошликка оид миллий ва халқаро қонун-қоидаларни менсинмаган, оёқ ости қилган, топтаган, ҳўрлаган, ҳақоратлаган Ўзбекистоннинг Биринчи президенти номини дунё ҳамжамияти қандай қилиб Жорж Вашингтон, Шарль де Голль ва Мустафо Камол Отатурклар номи билан бир қаторда эътироф этсин?!

Тил соҳасида ҳам Ислом Каримов фаолиятини Мустафо Камол Отатурк фаолияти билан тенглаштириб бўлмайди. Отатурк "турк тили -- туркларнинг юраги,



ақли ва тафаккури", дея тилга бўлган чексиз ҳурматини очикча юзага чиқара олди. Отатурк ташаббуси билан 1928 йилда мамлакатда араб ёзуви ўрнига лотин алифбосига асосланган турк алифбоси жорий этилди. Миллий мажлиснинг кўпгина аъзолари янги ҳарфларни беш йил ичида босқичма-босқич жорий этиш таклифини илгари сурди. Аммо Отатуркнинг жиддий талабига кўра алифбо ислоҳоти уч ой ичида амалга оширилди. Миллий мажлис "Турк алифбосини жорий этиш ва 1929 йил 1-январдан бошлаб араб алифбосидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида"ги қонунни қабул қилди.

Ислом Каримов эса лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосига ўтишга оид 1994 йилда қабул қилинган қонунни 20 йил давомида ҳам тўла-тўқис амалиётга тадбиқ эта олмади. Бунга унинг "ўзбекпарварлиги" сабаб бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мустафо Камол Отатурк иқтисодиёт соҳасида бошқа давлатлар капиталига таянган ҳолда, Усмон империяси каби шу давлатларга тобе ва қарам бўлиб қолмаслик учун миллий капитал ҳиссасини оширишга, миллий иқтисодиётни кучайтиришга эришди.

Ислом Каримов эса, миллий иқтисодиётни том маънода таназзул ботқоғига ботирди. Мамлакатни энг кучли коррупциялашган жамиятга айлантирди. Аҳолининг электр энергияси, газга бўлган талабларини қаноатлантирмай, улар ҳақиқа хиёнат қилган ҳолда, ҳаёт учун энг керакли бўлган ушбу манбаларни бошқа давлатларга сотиб, ўзбек халқига жабр ва зулм етказди...

Ислом Каримовнинг халқпарвар, юртпарвар, элпарвар "фазилатлари"га бевосита гувоҳ бўла туриб, унинг номини дунёнинг энг буюк шахслари, давлат арбоблари қаторига қўшишга оид фикрларга оид сукут сақлашга виждон йўл бермади...

## Ўзбекистон эртами, кечми, конвертацияни очиши керак бўлади

Германиянинг Тошкентдаги элчиси Найтхарт Хёфер-Виссингнинг сўзларига кўра, иқтисодий қонунлар ҳам табиат қонунларига ўхшайди. "Уларга узоқ вақт амал қилмаслик мумкин эмас", - деган элчи. Германиянинг Ўзбекистондаги юқори мартабали дипломати бу ҳақда Газете.uz нашрига берган интервюсида гапирган. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар юз тутаетган асосий муаммо конвертация муаммосидир.

"Мен вазиятни бир кунда ўзгартириб бўлмаслигини жуда яхши тушунаман. Жараён мураккаб бўлади, эҳтимол ҳатто оғриқли бўлар. Аммо иқтисодий қонунлар худди табиат қонунлари каби, уларга узоқ вақт амал қилмаслик мумкин эмас. Бу худди Ернинг тортишиш кучи сингари-олма барибир тушади", - деб айтган Германия элчиси.

Найтхарт Хёфер-Виссингнинг айтишича, конвертация муаммосининг ҳал этилиши "ҳамма учун муҳим". Айни пайтда Ўзбекистон Ишлаб чиқарувчилар ва Тадбиркорлар Палатаси раҳбари Алишер Шайхов мамлакатда валюта ислоҳотига тайёргарликлар кетаётганини айтган.

Унинг Sputnik агентлиги муҳбирига айтишича, ҳозирда бозор курсига "қандай ўтиш масаласи" муҳокама қилинмоқда.

"Албатта, бу маълум вақтни талаб қилади, барча рискларни ҳисобга олиш керак", - деган мулозим.

Аммо у ягона валюта курсига қачон ўтилишини айтмаган.

Ўзбекистон собиқ совет худудида хорижий валютанинг қора бозори ҳануз амал қиладиган ягона давлат ҳисобланади. Шу кунларда АҚШ долларининг ҳам расмий ва ҳам норасмий курси сезиларли даражада кўтарилган.

Бу кўтарилиш, алал-оқибат валюта курсларини тенглаштиришга олиб борадими, йўқми, номаълум.

Марказий Банк шу ой янги, 10000 сўмлик пул муомала киритилишини эълон қилган. Таҳлилчиларга кўра, бу ўзбек сўми ҳали-бери деноминация қилинмаслигидан дарак беради.

Ғарблик дипломатларга кўра, Президент Мирзиёев ўзи эълон қилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун йирик хорижий сармояларни жалб этиши керак бўлади.

"Ўзбекистонда ижобий силжишлар сезилмоқда, бироқ мамлакат бошқаруви бугунги кунда ҳам авторитар бўлиб қолмоқда". АҚШ Давлат департаментининг деярли 200 давлатдаги инсон ҳуқуқларига оид 2016 йил учун эълон қилинган ҳисоботида мана шундай мужда берилди. Ҳисоботда таъкидланишича, Ўзбекистонда сиёсий маҳбуслар, қийноқлар ва сўз эркинлиги вазияти мураккаблигича қолмоқда.

### Президентлик сайлови аввалгиларидан бир оз фарқланди

АҚШ Давлат департаментининг жаҳондаги инсон ҳуқуқларига бағишланган 2016 йил учун чиқарган ҳисоботининг Ўзбекистонга оид қисмида, президент Исломи Қаримов вафотидан сўнг Тошкент расмийлари ҳуқуқ-тартибот тузилмалари устидан назоратни сақлаб қолишга муваффақ бўлганлари, лекин махсус хизматлар фуқаровий структураларга сизиб киргани айтилади. Ҳисоботда айтилишича, бунинг ортидан "фуқаровий ҳокимиятнинг фаолият соҳалари ҳамда таъсирини аниқлаш"да мураккабликлар юзага келган.

Давлат департаменти таҳлилчилари "Ўзбекистонда янги президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши ортидан ижобий ўзгаришлар сезилаётгани", бироқ "Ўзбекистон бугунги кунда ҳам авторитар бошқарувда қолаётгани ва ижро ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа барча бутуқларини ўз назоратида сақлаб қолаётгани"ни таъкидлаган.

Давлат департаменти ҳисоботида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига иқтибосан билдирилишича: "сайловларни шаффофлаштиришга, имкониятлари чекланган сайловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилашга уриниш бўлгани, 600 нафар халқаро кузатувчига сайловларни ҳеч қандай тўсиқларсиз кузатишга имконият яратилгани" ижобий ҳодиса бўлган.

Ўзбекистонда 2016 йилнинг 4 декабрида президентлик сайловлари бўлиб ўтган эди. Президент Исломи Қаримов вафотидан сўнг бўлиб ўтган мазкур сайловда узоқ йиллардан бери биринчи марта Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тўлақонли миссияси иштирок этди.

Айни пайтда сайловда чинакам сиёсий рақобатнинг таъминланмагани, сўз эркинлиги чекланиши ортидан ўзгача фикрларга ўрин берилмагани ҳам қайд этилди.

**Айрим сиёсий маҳбуслар озод**



## Ўзбекистонда сиёсий маҳбуслар, қийноқлар ва сўз эркинлиги вазияти мураккаблигича қолмоқда

### Этилди

Ҳисоботда 2016 йилда Мирзиёев президентликка сайланганидан сўнг Бобомурод Раззоқов, Самандар Қўқонов каби сиёсий маҳбуслар қамоқдан чиқарилгани олқишланади. Шу билан бир қаторда яна ўнлаб сиёсий маҳбусларнинг қамоқда қолаётгани айтилади.

Ҳисобот 2016 йил учун ёйинлангани муносабати билан, унда 2017 йил 22 февраль кuni 18 йил қамоқда ётган сиёсий маҳбус Муҳаммад Бекжоннинг озод этилгани акс этмаган.

Ҳисоботда сохта айбловлар билан қамалган ҳуқуқ фаоли Фанихон Маматхоновнинг жазо муддати узайтирилгани, Аъзам Фармонов ва бошқа кўплаб сиёсий маҳсуслар ўта оғир шароитларда сақланаётгани танқид қилинади.

Шунингдек, Елена Урлаева каби қатор ҳуқуқ фаолларига нисбатан жазо чораси сифатида уларни руҳий касалликлар шифохонасида сақлаш амалиёти мавжудлиги қайд этилган.

### Ўзбекистонда ватандошлиги йўқ бўлган минглаб одамлар яшамоқда

Давлат департаменти ҳисоботида Ўзбекистонда 2016 йилда ҳам ватандошлиги бўлмаган одамлар мавзуси кўтарилган.

Ҳисоботда белгиланишича, биргина Хоразм ва Қорақалпоғистонда бугунги кунда уч мингдан ортиқ ватандошлиги бўлмаган шахс яшамоқда. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшаётган ватандошлиги йўқ шахслар сони эса номаълум бўлиб қолмоқда. Бироқ уларнинг сони бир неча ўн

минг кишини ташкил этиши мумкин.

Президент Мирзиёев бу муаммони ҳал этишга уринаётгани ҳам сезилмоқда. Жумладан, Мирзиёев ўтган йилнинг декабрида 170 одамни, жорий йил 22 февралда эса 94 одамни Ўзбекистон ватандошлигига қабул қилиш тўғрисидаги фармонларни имзолаган.

Бу сўнгги 25 йил ичида ватандошлиги бўлмаган шахсларни ватандошликка қабул қилиш тўғрисидаги илк фармонлар бўлди.

### Коррупцияга қарши кураш

Мирзиёев президентликка сайланганидан сўнг Ўзбекистонда биринчи марта "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Давлат департаменти ҳисоботида айтилишича, давлат бошқаруви шаффоф бўлмагани ортидан мамлакатда коррупция даражасини ўта юқори, деб баҳолаш мумкин.

"Айрим юқори даражадаги амалдорларнинг коррупцияда айбланиб қамоққа олинганига қарамай, коррупция вазияти эпидемия даражасида қолмоқда ва амалдорлар бемалол коррупция билан шуғулланмоқда", дейилади ҳисоботда.

Давлат департаменти таҳлилчилари президент Мирзиёев 2012 йилда коррупцияга олоқадорликда айбланиб ишдан олинган Абдулла Ариповни 2016 йил сентябрида бош вазир ўринбосари, декабрда эса бош вазир лавозимига тайинлаганига ҳам эътибор қаратган.

**Манба: "Озодлик" радиоси**

Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 8 сентябрида Ўзбекистон олий ҳокимияти тепасига келганидан бери унга берилган ваколатлар чегараси, мамлакатда ёпиқ эшиклар ортида давом этаётган ҳокимият кураши ҳақида турли иддаолар илгари сурилмоқда. Бугунга келиб халқаро матбуот саҳифаларига ҳам кўчган шундай иддаолардан бирига кўра, Мирзиёев президент этиб сайланганига қарамай, Ўзбекистон сиёсатини белгилаётган ягона раҳбар эмас.

ҳақидаги қарор ижросининг 5 йилга кечиктирилгани, 15 январь куни қарорга айланиши кутилган валюта сиёсатини либераллаштиришга оид лойиҳанинг ҳамон кучга кирмагани ва Душанбе-Тошкент рейсларининг бир марта парвоздан кейин тўхтатиб қўйилгани, агентлик манбаларига кўра, бу зиддиятда ислохотчи Мирзиёевнинг эмас, унинг қудратли “шериги” Иноятовнинг қўли баланд келгани ифодасидир.

**Қоронғу хонада қора мушук  
ушлаш уриниши...**

боқилишини сиз назорат қиласиз, дегандан бери бу ҳақда аскиялар кўпайиб кетди. Албатта, Азимов тажрибали ва пихини ёрган финансист. Ўзбекистондаги молия структурасини қурганлардан бири шу одам. У молиявий сирлар, хусусан, бадавлат элитанинг қанча пули қаерга бекитилганини яхши билгани, ҳатто уларнинг айримларига доступи бўлгани учун ушлаб турилипти. Лекин унинг бу ролда ҳукуматда узоқ қолиши дарғумон”, дейди собиқ ҳукумат мулозими.

## МХХ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИАРДЛАБ ДОЛЛАР ФОЙДА КЎРАЁТГАН ҚУДРАТЛИ СТРУКТУРАГА АЙЛАНДИ

### Reuters манбалари иддао қилади...

Reuters агентлиги 7 март куни эълон қилинган “Эксклюзив: Ўзбекистон ҳукмдорлари ислохотлар бўйича низолашмоқда – манбалар” деб номланган мақолада, президент Шавкат Мирзиёев ўзбек иқтисодини ислоҳ қилмоқчи, лекин ҳокимиятга шерикчилик қилаётган Рустам Иноятов бунга йўл қўймаётир, деган иддао илгари сурилди.

Бу иддаони қувватлаш учун келтирилган биринчи мисолга кўра, Шавкат Мирзиёев Европа тикланиши ва тараққиёт банки билан 2007 йилдан тўхтаб қолган ҳамкорликни қайта тиклаш ва улар берадиган кредитлар ёрдамида мамлакат иқтисодини модернизация қилмоқчию бу ҳаракат МХХ раиси Иноятов қаршилигига учрамоқда. Агентликнинг ЕТТБдаги манбаси ҳам, ҳамкорликни тиклаш уриниши Иноятов қаршилигига дуч келганини айтган.

Reuters таянган дипломатик манбалар иддаосича, Ислом Каримовнинг ўлимидан сўнг мамлакатда ҳокимият учун очиқ курашга чап бериш мақсадида, гўё учовлон – Бош вазир Шавкат Мирзиёев, МХХ раиси Рустам Иноятов ва Бош вазирнинг 1-ўринбосари Рустам Азимов давлатни биргаликда бошқариш ҳақида келишувга эришган.

Агентлик гаплашган дипломатик ва бизнес манбалар, учовлон аксар ҳолатларда келиша олмаётгани боис, мамлакатда қарор қабул қилиш қийин ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган бўлиб қолганини айтган.

“Ҳамма масалада қарор беришда Мирзиёев, Иноятов ва Азимов ўртасида зиддият бор”, деган Reuters манбалари.

Мирзиёев қабул қилган Фарб ва айрим Осиё ватандошларининг 2017 йил 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистонга визасиз киритиш

Ислом Каримов миясига қон қуюлиб комага тушган 2016 йилнинг 27 августидан бери Озодликка ҳокимиятга яқин турли манбалардан ҳокимият тақдири билан боғлиқ турли хабарлар келмоқда ва келишда давом этмоқда.

Бу жараён ёпиқ эшиклар ортида, ниҳоятда кичик гуруҳ шахслар орасидаги сўзлашувларга оид бўлгани учун Озодлик уларни на тасдиқлаш ва на инкор этиш имконига эга.

Reuters илгари сурган ҳокимиятни шерикликда бошқаришга оид Мирзиёев, Иноятов ва Азимов ўртасидаги махфий келишув ҳақидаги иддаолар ҳам айнан тасдиқлаш имкони деярли йўқ иддаолар сирасига киради.

Каримов ўлимидан сўнг ҳокимиятнинг қандай бўлиганию, ундаги сўнгги сўзни ким айтгани ҳақида Озодликка кўпинча бир-бирига зид иддаолар айтилмоқдаки, уларнинг бугун аксар ўзбекистонликлар қўлоғига чалинган айримларини санаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

### “Азимов ҳокимият тепасида эмас”

Узоқ йиллар Ислом Каримовга ворис бўлиш эҳтимоли энг юқори деб чамаланган Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов, Каримовнинг ўлимидан сўнгги бошқарув жараёнларидан яхши хабардор собиқ мулозимга кўра, посткаримов даврида ҳокимият йўналишини белгилаш ваколатларидан маҳрум бўлган.

“Ҳеч қандай учлик йўқлигини, Мирзиёев ўтказаетган мажлисларда унинг Азимовга қилаётган муомаласи кўрсатиб турипти. Ҳозир ўзбекистонликлар Азимовни “товуқчилик”ка масъул амалдор, деб биладиган бўпқолди. Ҳукумат мажлисида Мирзиёев уни ўрнидан турғизиб, қишлоқ жойларда ҳамманинг уйида 100 тадан товуқ

### “Путин Иноятов режасини бузди”

Озодликка ўзини Олий мажлис депутатига яқин шахс, деб таништирган манба, 8 сентябрь кунги парламент кўшма мажлиси бошлангунга қадар кўпчилик давлатни бошқариш конституциянинг 96-моддасига мувофиқ Сенат раиси Ниғматулла Йўлдошевга ўтади, деган ишончда бўлганини айтади.

Бу манбага ишонилса, кўшма мажлиснинг олдиндан тайёрланган барча ҳужжат лойиҳаларида ҳам вақтинча президентлик ваколатининг уч ой давомида айнан Йўлдошевга топширилиши ёзилган ва бу лойиҳалар 8 сентябрь арафасида ўзгартирилган.

Бу кутилмаган ўзгариш муаллифи эса, манба иддаосича, Россия президенти Владимир Путиндир.

“6 сентябрь куни Каримов қабрини зиёрат қилиш баҳонасида Самарқандда бир неча соат тўхтаб ўтган Путин бу ерда Рустам Иноятов, Зелмихон Ҳайдаров ва Татьяна Каримовани, Конституцияга зид тарзда бўлса ҳам, вақтинчалик президентликка Мирзиёевни қўйишга кўндирди. Бунинг эвазига, Каримовлар оиласининг дахлсизлиги кафолатланадиган, Иноятовнинг давлат бошқарувидаги аввалги қудратли роли сақлаб қолинадиган бўлди. Мирзиёев ана шу келишув натижасида 8 сентябрь куни муваққат президент бўлди, лекин давлатни бошқариш ваколатларини Иноятов билан бўлишишга кўнди. Аслида, Конституциянинг 96-банди айнан Иноятовнинг қўллови билан Мирзиёевнинг Каримов ўрнини эгаллашига йўл қўймаслик мақсадида киритилган эди”, деди ўзини ўзбек парламентида алоқадор деб таништирган Озодлик манбаси.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

### “Мирзиёев, Иноятов - тенг кучли рақиблар”

Ўзбекистон хавфсизлик тизимига яқин бошқа бир манба Озодликка айтидики, айни иддаони сал бошқача шаклда айтади.

“Путиннинг ворис танлашда белгилловчи роль ўйнагани бор гап. Иноятов ва Мирзиёев, азалдан, бир-бирига рақиб, Каримов даврида бир-бирига қарши яширин кураш олиб борган, бир-бирига кучли компроматлар йиққан. Бир-бирини ёмон кўрса ҳам, улар қўлидаги кураш воситалари, иқтисодий ресурслар тенг кучли бўлгани учун, муроса қилишга мажбур. Путин уларнинг иккаласини ҳам қўллади, чунки биридан қўтулмоқчи бўлса, иккинчиси керак бўлади. Мирзиёев ҳокимиятни камида беш йилга Иноятов билан шерикчиликда бошқаришга кўнган ва шунга ҳозирча амал қилапти. Эътибор берсангиз, ҳокимиятга келгандан бери Мирзиёев ҳаммани, ҳатто Рустам Азимовни ҳам ёш боладек турғизиб қўйиб, танқид қилапти. Прокуратура, мелиса, вазир ва ҳокимларни обориб-опкелаяпти. Лекин ўзини гўё мамлакада МХХ деган қудратли структура ва унинг тепасида ўтирган қудратли Иноятов деган генерал йўқдек тутаяпти. Бирор марта МХХ деган сўзни оғзига олиб, танқид қилгани йўқ. Ваҳоланки, мамлакатдаги коррупциянинг бошида ҳам, адолатсизликнинг пойдеворида ҳам шу структурага берилган чексиз ваколатлар ётибди. Нимадир фундаментал ўзгариш қилмоқчи бўлса, ана шу структурани бузишдан бошлаш керак. Лекин нимага бу ҳақда индамайди - чунки орада келишув бор”, деган иддаосини илгари суради хавфсизлик тизимидаги Озодлик манбаси.

### МХХ (Иноятов) нега ислохотларга қарши?

Озодлик манбалари Иноятовни аксил-ислохотчи сифатида кўришига унинг шахсияти, шунингдек, у қарийб 25 йилдан бери бошқариб келаётган тизимнинг ниҳоятда ёпиқ ва қоронғулиги асос беришини айтадилар.

“МХХ Ўзбекистондаги ҳокимият ва иқтисод тизимларига бошдан оёқ сингиб кетган минг оёқлик махлуққа айланган. Бош прокурор, ИИБ, солиқ, божхона раҳбаридан тортиб, район даражасидаги ҳар бир лавозимга қадар, МХХ кадрлари ўтирипти. Ҳар қандай сиёсий-иқтисодий ўзгаришни буларга тегмай туриб қилиб бўлмайди. Бу эса, Иноятов қудратининг камайишига олиб келади.



Унинг иқтисодий ислохотларга қаршилиги сабаби ҳам оддий. МХХ Ўзбекистонда конвертация йўқлиги боис мавжуд тўртта валюта курси орқасидан миллиардлаб доллар фойда кўраётган қудратли структурага айланди ва бу сиёсатни ўзгартириш ана шу бойлик манбасидан айрилиш демакдир. Қариб, турли хасталиклардан қийналаётган Иноятов бунга қабул қилган тақдирда ҳам, у қўрган структуранинг бунга кўниши қийин. Зиддият илдизи, манфаатлар тўқнашувидадир”, дейди Ўзбекистон хавфсизлик тизимига яқин Озодлик манбаси.

### Мирзиёев ислохотчими?

Айни масалада фикр билдирган Озодликнинг Тошкент бошқарувидаги жараёнлардан яхши хабардор уч манбаси, Шавкат Мирзиёев ҳокимиятда қолиш учун нималарнидир ўзгартириш лозимлиги, хусусан, иқтисодни қисман бўлса ҳам ислоҳ қилиш лозимлигини тушунишга ишонишларини билдирди.

“Ислохотчи деганда, мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий тузум табиатини ўзгартириб, демократик, очиқ ва шаффоф давлат қўрмоқчи, деб тушуниш нотўғри бўлади. Мирзиёев иқтисодда нималардир ўзгармаса, давлат идораларининг бедодлиги бироз жиловланмаса, узоқ ўтира олмаслиги мумкинлигини билади. Шунинг учун халққа ўз кўнини кўриш, бизнес қилиш имконини бермоқчи. Бунга эса, ташқаридан инвестиция келмаса, бўлмайди. Инвестиция учун, валюта сиёсати либераллаштириши, конвертация очилиши керак. Масалан, кўшни Қозоғистонда конвертация ҳам бор, иқтисодий эркинлик ҳам бор, айни пайтда, коррупция, хусусан, давлат бошқарувидагиларнинг энг сердаромад соҳаларни ўз назоратига олгани ҳам бор. Ислохотлар билан, Мирзиёев, лоақал шу Қозоғистон моделига яқинлашмоқчи. Бунинг тагида Мирзиёев ва яқинларининг Ўзбекистон бойликларини ўз қўлига олиш истаги йўқ, деб айта олмаймиз. Лекин давлатнинг 1-раҳбари сифатида у юзаки бўлса ҳам, ўзгаришларга қўл урмасликдан бошқа чораси йўқлигини билади”, деди Озодлик билан суҳбатда собиқ ҳукумат мулозими.

### Реаллик эмас, истакка эргашиш...

Озодлик манбалари тақдим этаётган маълумотлар, бошда айтиб ўтилгани каби, тасдиқлаш имкони деярли йўқ жараёнларга тааллуқлидир.

Айни пайтда, бундай маълумот ва иддаолар халқаро агентликлар мақолалига мавзу бўлишдан ойларча олдин ўзбекистонликлар ўзаро суҳбатларидаги асосий мавзулардан бирига айланиб бўлган.

“Шавкат Мирзиёев мамлакатни тўлиқ бошқараяптими ўзи? Рустам Иноятов яна қанча МХХ тепасида қолади? Мирзиёевнинг МХХ ва бошқа генералларга кучи етадими ўзи? Нега унинг айтган кўп гаплари амалга ошмаяпти? Нега у ўзи қабул қилган қарорларининг айримларидан яна ўзи қайтишга мажбур бўлаяпти? Мирзиёев ўзи айтгани каби Каримов сиёсатини давом эттирадими ёки уни секин-аста ислоҳ қилмоқчиси?”

Ҳозирча бу саволларга аниқ жавоб Озодликда йўқ.

Посткаримов даврининг жавоби бор жихати эса, ўзбекистонликлар, қолаверса, Ўзбекистонга қизиқиши бор ҳукумат ва халқаро тизимдагиларнинг янги ҳукуматдан ўзгаришлар, ҳатто катта ислохотлар кутаётганидир.

Озодлик суҳбатлашган таҳлилчилар фикрича, узоқ бу кутишдан сўнг ҳам маҳаллий, ҳам халқаро ҳамжамият кўриш-эшитишни истаганини реаллик ўрнида қабул қилишга ошиқмоқда.

Мирзиёевни ислохотчи, халқпарвар, адолатпарвар сифатида, Иноятовни эса, Каримов даврининг энг оғриқли жихатлари – қўрқув, ҳақсизлик, бедодлик рамзи сифатида кўриш, улар таъқидида, ана шу истак ифодаси бўлиши мумкин.

“Агар Мирзиёев ва Иноятов ўртасида қандайдир келишув бўлса, бу сен халққа умид бериб, уни томошага қаратиб тур, мен эса, ҳар иккаламиз учун ҳам манфаатли бўлган аввалги тузумни қандай бўлса, шундай ушлаб тураман”, деган мазмунда бўлиши мумкин, дейди Озодликка посткаримов бошқарув моҳиятига оид иддаолардан яна бирини илгари сурган Фарб таҳлилчиси.

### Манба: "Озодлик" радиоси

#### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мухаррир: Нурбек Саломов